

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib 30.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТУХТАЕВА НИГОРА ХАСАНОВНА

**РЕВМАТОИД АРТРИТДА HELICOBACTER PYLORI ГЕНОТИПЛАРИ
САБАБЛИ НОСТЕРОИД ВОСИТАЛИ ГАСТРОПАТИЯНИ
РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Тухтаева Нигора Хасанова

Ревматоид артритда *Helicobacter pylori*

генотиплари сабабли ностероид воситали

гастропатияни ривожланиш механизми..... 3

Тухтаева Нигора Хасанова

Механизм развития НПВС гастропатии при

ревматоидном артрите с позиции генотипов

Helicobacter pylori..... 29

Tukhtaeva Nigora KHasanovna

The mechanism of development of NSAID

gastropathy in rheumatoid arthritis from

the point of view of *Helicobacter pylori* genotypes..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib 30.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТУХТАЕВА НИГОРА ХАСАНОВНА

**РЕВМАТОИД АРТРИТДА HELICOBACTER PYLORI ГЕНОТИПЛАРИ
САБАБЛИ НОСТЕРОИД ВОСИТАЛИ ГАСТРОПАТИЯНИ
РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib 414 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслахатчи:

Каримов Маъруф Шакирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвосит Мирвосиқович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Мамлакат Тулабаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Сабиров Мақсуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib 30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 71) 1507825, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент, Фаробий кўчаси 2-уй. ТТА 2-ўқув бино “б” корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871)- 150-78-14.

Диссертация автореферати 2021 йил “_____” _____ да тарқатилди.
(2021 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, академик

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё миқёсида ҳозирги замон тиббиёти ревматологик касалликлар орасида аутоиммун жараёнлар билан кечувчи, хусусан ревматоид артрит (РА) касаллигини олдини олиш ва даволашда янгича ёндашувларни амалга ошириш соҳасида жадал ривожланишларга сабаб бўлмоқда. Ривожланган мамлакатларда аҳоли ўртасида РА билан касалланиш даражаси 0,5-2% ташкил қилади ва бу кўрсаткич йил сайин ўсиб бормоқда. Унинг аёлларда эркакларга нисбатан 2-3 маротаба кўп учраши, самарали даволанмаган беморлардан аёлларнинг умр кўриши 3 йилга, эркакларда эса 7 йилга қисқариши аниқланган. РА сурункали кечиб, ички аъзоларни зарарланишига, беморларнинг меҳнат қobiliятини пасайиши ва эрта ногиронликка олиб келиши билан, беморлар ҳаёт сифатини ёмонлашувига таъсир қилувчи кўп омилли касаллик ҳисобланади. Йирик илмий тадқиқот марказларининг маълумотларига кўра, «...ревматоид артритда ички аъзолар орасида меъда ичак йўли шикастланишини учраши 13%-60% ни ташкил қилади ...»¹. Ушбу ҳолат РАда яллиғланишга қарши дори воситаларини кўп қўлланилиши ва *Helicobacter pylori* (*H. pylori*)ни вирулент генотипларини мавжудлиги билан боғлиқ бўлиши аниқланган. Бу ўз навбатида *H.pylori*нинг вирулент генотипларини аниқлаб, муқобил даволаш ва самарали профилактикасини таъминлашни зарурлиги ревматологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида ревматологик касалликлар авж олиши сабабли уларга таъсир этувчи омилларни эрта аниқлаш бўйича тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада патологик жараёнга самарали таъсир қилиш йўллари ва монанд даволаш усуллари муқобил асосларини ишлаб чиқиш, РА коморбид ҳолатлар билан кечганда унинг турли асоратларни олдини олиш йўналишидаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўз навбатида касалликни даволашда яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари (ЯҚНДВ) ва глюкокортикостероид (ГКС) дори воситаларини кенг қўллаш, меъда ичак йўли зарарланишини келиб чиқишида *H.Pylori* инфекцияси билан боғлиқлигини асослаш, гастродуоденал соҳанинг (ГДС) шикастланишини аниқлаш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган тадбирларни такомиллаштириш ҳозирги кунда мазкур муаммога қаратилган илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналишларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиётига соҳани ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли соматик касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик

¹ Laporte J-R, Ibanez L, Vidal X, et al. Upper gastrointestinal bleeding associated with the use of NSAIDS. Newer versus older agents. Drug Safety 2017;27:411

усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш билан бир қаторда РА касаллигини даволашда яллиғланишга қарши дори воситаларини кўп қўлланилиши, Н. Pylori бактериясини вирулент генотипларини мавжудлиги билан боғлиқ ўзгаришларининг таъсирини баҳолаш ва самарали даволаш бўйича чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, эрта ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий - тадқиқотлар шарҳи³. Ревматоид артрит касаллигини ўзига ҳос кечиши ва муқобил даволаш усулларини ишлаб чиқишни ҳал қилишга қаратилган илмий изланишлар дунёнинг қатор етакчи тиббиёт марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: CORRONA (АҚШ), Australian Rheumatology Association Database (ARAD, Австралия), Consorcio Argentino de Artritis Temprana – Argentine Consortium for Early Arthritis(CONAART, Аргентина), Registry of Japanese RA Patients for Long-Term Safety database (PA REAL, Япония), The British Society for Rheumatology Biologics Register (BSRBR, Великобритания), National death register (NOAR ,Великобритания), The Stockholm TNF follow-up registry (STURE, Швеция), Rheumatoid Arthritis Observation of Biologic Therapy (RABBIT, Германия), Research Axed on Tolerance of Biotherapies (RATIO, Франция), Swiss clinical quality management in RA (SCQM-RA, Швейцария), Dutch Rheumatoid Arthritis Monitoring registry (DREAM, Голландия), Leiden Early Arthritis Clinic cohort (Когорта, Лейдей

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий - тадқиқотлар шарҳи <http://www.sc.edu>, www.ucsf.edu, <http://www.utexas.edu>, <http://www.uark.edu>, <http://www.virginia.edu>, <https://www.uni-leipzig.de/en/>, <http://www.qmul.ac.uk>, www.rug.nl, www.tmu.edu.tw, www.mma.ru, www.tma.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

клиникаси), The Spanish registry of adverse events of biologic therapies in rheumatic diseases (BIOBADASER, Испания), Norwegian longitudinal observational study on disease-modifying antirheumatic drugs (NOR-DMARD, Норвегия), Rheumatic Diseases Portuguese Register (Reuma.pt, Португалия), Treat to Target, ФГБНУ (В.А. Насонова номидаги Илмий-текшириш институти, Россия), Тошкент тиббиёт академияси, РИТ ва ТРИАТМ ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида (Ўзбекистон) амалга оширилмоқда.

Жаҳон миқёсида ревматоид артритни авж олишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича қатор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: АҚШда ревматоид артрит юрак қон томир касалликлари билан биргаликда қўшилиб келганда уларнинг асоратлари, патологик жараёнга рационал таъсир қилиш йўллари ва монанд даволаш усуллари учун муқобил асосларни ишлаб чиқиш; Япония ва Голландияда ген-инженер биологик моддалар (ГИБМ) билан даволаш, яллиғланишга қарши базис дори воситалари ва ФНО ингибитор воситалари билан даволаш давомида кузатиладиган ножўя таъсирларни таҳлил қилиш, касалликни авж олишига таъсир этувчи омиллар натижасида, унинг оқибатлари ва асоратларини асосли башоратлаш; Англия ва Швеция давлатларида ген-инженер биологик моддалар билан даволаш давомида келиб чиқадиган ўлим ҳолатлари, турли инфекцияларга ўта сезгирлик, юрак қон томир тизимидаги ўткир етишмовчилик ва ҳавли ўсма касалликларига мойиллик бўлганда, касаллик кечиши ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида турли изланишлар олиб борилмоқда.

Қатор Европа давлатларида, жумладан Россия ва Беларусияда РА билан касалланган беморлар орасида яллиғланишга қарши дори воситали гастропатияда *H.Pylori* генларини учрашини минтақавий ўзига ҳослиги ўрганилган. Шу билан бир қаторда беморлар орасида ЯҚНДВ билан ассоцирланган гастропатияни олдини олишда қўлланиладиган дори воситалар етарли даражада ишлатилмаслиги оқибатида 95% беморларда эрозив гастритлар, ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касалликлари қон кетишлар билан асоратланиши устида илмий изланишлар давом этмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг қатор етакчи тиббиёт марказлари ва илмий текшириш институтларида ревматик касалликларини эрта ташҳислаш, самарали даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш мақсадида ГИБМ воситаларни РА даволашдаги ўрни ва ножўя таъсирларни олдини олиш йўналишларда қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётлардан маълумки, соғлом одамларнинг ошқозони шиллиқ қавати микрофлорасида *H.Pylori* ҳам учрайди. *H.Pylori* нинг 30 дан ортиқ генотиплари аниқланган бўлиб, *cagA*, *acAm1*, *vacAm2*, *vacAs1*, *vacAs1a*, *vacAs1b*, *vacAs1c*, *vacAs2*, *babA*, *iceA1*, *iceA2* и *dupA* генлари МИЙ да ульцироген таъсир кўрсатиши ўрганилган. (Лапина Т.Л., Тертычный А. С., Пирогов С. С., Соколов В. В., 2015; L. L. Gatti et al. 2019). *H.Pylori* ни

ЯҚНДВ билан ассоцирланган гастропатияни келиб чиқишидаги аҳамияти ҳозирга қадар турли мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Охирги йиллардаги адабиётларда РА беморлар ошқозони шиллиқ қаватида *H. Pylori* учрамаган ҳолларда ҳам турли даражадаги гастропатиялар кузатилиши ва ошқозон-ичакдан қон кетишларга сабаб бўлиши мумкинлиги каби фикрлар келтирилган, лекин, айрим ҳолларда *H. Pylori* мавжуд бўлган беморларда микроорганизмнинг эррадикациясига эришилган бўлсада юқоридаги ножўя таъсирлар камаймаганлиги қайд этилган (В. Т. Ивашкин 2018; Шептулин А.А., Лапина Т.А 2017). Қатор адабиётларда *H. pylori* нинг *cagA*, *vacAm1*, *vacAm2*, *vacAs1*, *vacAs1a*, *vacAs1b*, *vacAs1c*, *vacAs2*, *babA*, *iceA1*, *iceA2* и *dupA* генотиплари РА беморларда ЯҚНДВ ли гастропатияни келиб чиқишида кўшимча хавф омили бўлиши мумкинлиги аниқланган. (Е. А. Дикарева, А. В. Воропаева, Е. В. Макаренко, С. И. Пиманов 2015).

Бугунги кунда *H. pylori* нинг молекуляр - генетик таркиби ўрганилиб, уларнинг потоген хавф сифатида гастродуоденал касалликлар келтириб чиқарувчи омиллардан эканлиги бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган. РА беморларда ошқозон шиллиқ қаватидаги *H. pylori* генотипик таркибини ўрганиш касаллик ривожланиши ва РА беморларда ЯҚНДВ ли гастропатияни келиб чиқишини олдини олиш ва даволаш бўйича аниқ ва самарали чораларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистон хеликобактер инфекцияси билан инфицирланиш даражаси юқори даражадаги минтақага киради. Меъда ичак йўли касалликлари *H. Pylori* билан ассоцирланганда бактериянинг *Cag* штамми 80% беморларда сурункали атрофик ва ноатрофик гастритларда учради (Каримов М.М., Собирова Г.Н. 2018).

Илмий тадқиқотлар ва илмий адабиётлар таҳлили натижаларига таяниб, Республикамизда кенг қўламли изланишлар ўтказиш зарурияти туғилганлиги тўғрисида бир тўхтамга келиш мумкин. Гастродуоденал соҳа ҳолатини ўрганишга бағишланган ва унинг шикастланиши, ревматоид артритда *H. Pylori* генотипларини вирулентлигини ўзига хослиги ва генларни касаллик кечишига ва РАни даволаш давомида ЯҚНДВ билан асоцирланган гастропатияни олдини олиш билан боғлиқ муаммо устида тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011800229 «Ички касалликларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги йўллари кидириш. Профилактиканинг рационал йўллари» мавзуси доирасида бажарилган (2019 -2022 йй) .

Тадқиқотнинг мақсади ревматоид артрит билан оғриган беморларда яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари таъсирида ривожланган гастропатия шаклланишида *H. Pylori*нинг генотипик штаммлар аҳамиятини клиник- асбобий баҳолашдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

ревматоид артрит мавжуд беморларда гастродуоденал соҳа зарарланишининг учраши ва унинг касаллик клиник-функционал белгиларига боғлиқлигини ретроспектив таҳлил қилиш;

ревматоид артрит мавжуд беморларда *H. Pylori* билан ассоцирланган яллиғланишга қарши ностероид дори воситали гастропатияда гастродуоденал соҳа зарарланишини ўзига ҳослиги ва келиб чиқиш омилларини баҳолаш;

ревматоид артрит мавжуд беморларда касаллик клиник тавсифи асосида ошқозонда *H. Pylori* нинг учраши ва тарқалиш даражасини аниқлаш;

ревматоид артрит мавжуд беморларда яллиғланишга қарши ностероид дори воситали гастропатияда *H. Pylori* гени олигопраймерлар тизими ишини йўлга қўйиш ва муқобиллаштириш;

ревматоид артрит мавжуд беморларда ошқозон шиллиқ қавати биоптатларида *H. Pylori* генлари штамларини тарқалганлик даражасини баҳолаш;

ревматоид артрит мавжуд беморларда яллиғланишга қарши ностероид дори воситали гастропатияни келиб чиқишида *H. Pylori* генини вирулентлик омилларини аниқлаш ва баҳолаш;

ревматоид артрит *H. Pylori* билан ассоцирланган шароитда яллиғланишга қарши ностероид дори воситаси фармокинетикасини масс-спектрометрга уланган юқори самарадор суюқлик хроматографияси усулида (ЮССХ-МС) аниқлаш;

ревматоид артрит *H. Pylori* вирулент генлари билан ассоцирланган яллиғланишга қарши ностероид дори воситали гастропатия фармакотерапиясини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019 - 2020 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг 3 - клиникаси ревматология бўлимида 104 нафар ревматоид артрит билан даволанган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ревматоид артрит беморлар қон зардобини, ошқозон шиллиқ қавати биоптати, *H. pylori* генларини аниқлаш учун *cagA*, *vacAm1*, *vacAs2*, *iceA1*, *iceA2* олигопраймерлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор-асбобий, молекуляр-генетик, хроматографик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматоид артрит беморларда ошқозонда *H. Pylori* нинг учраши ва тарқалиш даражаси касаллик фаоллиги даражасига бевосита боғлиқлиги проспектив таҳлилларга кўра исботланган;

ревматоид артрит беморларда яллиғланишга қарши ностероид дори воситали гастропатияда *H. Pylori* нинг турли хил генотипик шакллари детекция қилишни ўз варианты молекуляр - генетик таҳлил асосида ишлаб чиқилган;

ревматоид артрит беморларда яллиғланишга қарши ностероид дори воситали гастропатия *H.Pylori* билан ассоцирланганда унинг генотипларини тақсимланиши аниқланган;

ревматоид артрит беморларда *H.Pylori* инфекциясини *vacAs2*, *iceA2* и *cagA* генларини ёки *cagA + Ice2 + vacAm1+ vacAs2*; *vacAm1+ vacAs2*; *Ice2+ vacAm1+ vacAs2* генлар комбинацияси учраши аниқланиб, беморларда ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касаллиги ва эрозияларини келтириб чиқариш эҳтимоллини ошириши асосланган;

яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларини фармакокинетикасидаги ўзгариш индикаторларини РА да ошқозон хеликобактериози келиб чиқишига хос башоратларидан бири эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ревматоид артрит билан огриган беморларда *H.Pylori* нинг *vacAs2*, *iceA2* ва *cagA* генотипик вариантлари, ёки *cagA+ Ice2+ vacAm1+ vacAs2*; *vacAm1+vacAs2*; *Ice2+ vacAm1+vacAs2* генларнинг комбинациясини тарқалганлик даражасини аниқлаш гастродуоденал соҳада ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касалликларини ҳамда эрозияларини келтириб чиқарувчи хавфни орттириши ва даволаш натижаларини пасайтирувчи омил эканлиги аниқланган;

ревматоид артрит билан огриган беморларда гастродуоденал соҳасида *H.Pylori* нинг *vacAs2*, *iceA2* ва *cagA* генотипик вариантлари, ёки *cagA+ Ice2+ vacAm1+ vacAs2*; *vacAm1+vacAs2*; *Ice2+ vacAm1+vacAs2* генларнинг комбинацияси учраган шароитда дифференцирланган ёндошув мақсадида ЯҚНДВни танлаш зарурлиги исботланган;

ревматоид артрит билан огриган беморларда *H.Pylori* нинг *vacAs2*, *iceA2* ва *cagA* генотипик вариантлари, ёки *cagA+ Ice2+ vacAm1+ vacAs2*; *vacAm1+vacAs2*; *Ice2+ vacAm1+vacAs2* генларнинг комбинацияси билан бирга келганда ЯҚНДВ ни ножўя таъсирини камайтириш учун уларнинг даволовчи дозалаш схемасида ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқлиги таъкиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ревматоид артритни кечиш хусусиятлари ва беморлар гастродуоденал соҳасида *H.Pylori* нинг *vacAs2*, *iceA2* ва *cagA* генотипик вариантлари, ёки *cagA+ Ice2+ vacAm1+ vacAs2*; *vacAm1+vacAs2*; *Ice2+ vacAm1+vacAs2* генларнинг комбинациясини учрашларини аниқлаш Республикада келажакда ушбу йўналишда чуқур тадқиқотлар олиб боришга

замин яратади. РА беморларда *H.Pylori* нинг *vacAs2*, *iceA2* ва *cagA* генотипик вариантлари, ёки *cagA+* *Ice2+* *vacAm1+* *vacAs2*; *vacAm1+vacAs2*; *Ice2+* *vacAm1+vacAs2* генларнинг комбинациясини тарқалганлик даражасини аниқлаш гастродуоденал соҳада ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касалликларини ва эрозияларини келтириб чиқарувчи хавфни орттириши ва даволаш натижаларини пасайтирувчи омил эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти РА беморларида касаллик кечишини оғирлаштирувчи ва даволаш натижаларини пасайтирувчи омил сифатида гастродуоденал соҳада *H.Pylori* нинг тарқалганлик даражасини аниқлаш, *vacAs2*, *iceA2* ва *cagA* генотипик вариантлари, ёки *cagA+* *Ice2+* *vacAm1+* *vacAs2*; *vacAm1+vacAs2*; *Ice2+* *vacAm1+vacAs2* генларнинг комбинациясини учраши ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касалликларини ва эрозияларини келтириб чиқарувчи хавфни орттириши ҳамда, даволаш натижаларини пасайтирувчи омил эканлиги, ва шундай шароитларда дифференцирланган ёндошув мақсадида ЯҚНДВни танлаш, уларнинг дозалаш схемасини ўзгартириш зарурлиги даволаш самарадорлигини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имкони билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ревматоид артрит беморларда ялиғланишга қарши ностероид дори воситалари билан асоцирланган гастропатияни келиб чиқишида гастродуоденал соҳадаги ўзгаришларда *H.Pylori* генотипларининг ўзига ҳос аҳамиятини аниқлаш асосида даволашни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ревматоид артрит беморларда *Helicobacter pylori* ташҳислаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ревматоид артрит беморларда *Helicobacter pylori* ташҳислаш усуллариини такомиллаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 январдаги 8н-р/8-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ревматоид артритга чалинган беморларда гастродуоденал соҳадаги ўзгаришлар келиб чиқишида *H.Pylori* генотипларини аниқ ва эрта ташҳислашни муқобиллаштириш имкониятини берган;

ревматологик беморларда гастродуоденал соҳани клиник хусусиятлари бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ревматологик беморларда *Helicobacter pylori*ни ҳисобга олган ҳолда гастродуоденал соҳани клиник хусусиятлари” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 январдаги 8н-р/7-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ревматоид артрит беморларда *H.Pylori* инфекцияси ҳисобига гастродуоденал соҳадаги шикастланишларда ялиғланишга қарши ностероид дори воситаларини тўғри танлаш ва дозалаш эвазига даволашни такомиллаштириш имконини берган;

беморлар гастродуоденал соҳасидаги ўзгаришлар келиб чиқишида *H.Pylori* генотипларининг аҳамиятини аниқлаш орқали ревматоид артритни даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация

илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси куп тармокли клиникаси, Тошкент вилояти кўп тармокли тиббиёт маркази, ЎзР ПА хузуридаги Бош тиббиёт бошқармасининг 2-сонли марказий клиник шифохонаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 8н-д/42-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этилиши, касалликни эрта ташхислаш, касаллик кечишини башорат қилиш, келиб чиқадиган асоратларни ўз вақтида олдини олишни муқобиллаштириш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чоратадбирларнинг самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти аҳсосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ревматоид артрит мавжуд бўлган беморларда яллиғланишга қарши дори воситали гастропатия муаммолари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Бунда РА ривожланиши ва авж олишининг энг муҳим патогенетик бўғинлари, асосий текшириш ва даволаш тадбирлари, РАга чалинган беморларда меъда ичак йули (МИЙ) зарарланишининг муаммолари батафсил баён қилинган. Ревматоид артрит билан оғриган беморларни даволаш давомида келиб чиқадиган дори воситаларининг ноўй таъсирлари орасида МИЙ зарарланиш даражаси юқорилиги ва унинг сабаблари, РА да ЯҚНДВ таъсирида гастродуоденал соҳа зарарланиш сабаблари, даволаш усуллари амалиётдаги камчиликлари ва устунликлари, ташхис қўйиш, даволаш ва касалликни олдини олиш, ҳамда ечилмаган муаммолар ва саволларга

аниқлик киритиб кенг ёритилган. Ревматик касалликларда хеликобактер ассоцирланган гастропатия учраш даражаси, сабабларига ва унинг генотипларини вирулентлик факторларига алоҳида эътибор берилган. Н. Pylori цитопротекциясига замонавий ёндошган ҳолда даволаш, эррадикация усуллари кенг ёритилган ва ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини ўрганиш муҳимлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот усуллари, ҳамда қўлланилган статистик усуллар келтирилган. Клиник материалларни умумий белгилари берилган. Ревматоид артрит касаллиги билан оғриган беморларда гастродуоденал соҳа шикастланишига олиб келувчи омиллар ва уларни таркибини аниқлаш мақсадида РА аниқланган беморларда гастродуоденал соҳаларнинг шикастланиш даражасини, эндоскопик теширувлар ҳамда ишлатилган дори воситалари таҳлиллари даражасини ўрганиш учун 2015-2020 йилларда ТТА 3- клиникаси ревматология бўлимида даволанган 710 нафар беморнинг касаллик тарихлари тадқиқотнинг биринчи босқичида ретроспектив таҳлилдан ўтказилган.

Иккинчи босқичда проспектив тадқиқотда, 2019-2020 йилларда Тошкент Тиббиёт Академиясининг 3-клиникасининг ревматология бўлимида шифохона шароитида даволанган 104 та РА билан касалланган беморлар киритилган. Уларнинг 84% (71 та) аёллар ва 16% (33 та) ни эркеклар ташкил қилди. Бу яна бир бор, РА билан касалланган беморлар орасида аёллар сони кўплигидан далолат беради (Балабанова Р.М., 2020). РА ташҳиси Америка Ревматология Ассоциациясининг мезонларига асосланди. Қўшимча Россия Федерацияси Тиббиёт Фанлари Академияси Ревматология ИТИ (1991 й) тақдим этган ишчи таснифи ва номенклатураси ишлатилди. Фаоллик даражасининг базис усули сифатида DAS 28 индекси ишлатилди. (DiseaseActivitiScore) (Насонов Е. Л., 2006). РА билан касалланган беморларнинг барчасида касалликнинг секин ривожланиши ва кечиши кузатилди. Улардан 33 % ида жараённинг минимал, 67% II даражали фаоллик аниқланди. Суяк-бўғим тизимининг рентгенологик текшируви шунини кўрсатдики, 20% беморда рентгенологик I босқич, 44 % беморларда II босқич, 36% беморда III босқич кузатилди. Бўғимларнинг функционал фаолиятини баҳолаганда, 11% беморларда 0 даражали бўғим функционал етишмовчилиги (БФЕ), 40 % беморларда I даражали БФЕ, 34 % беморларда II даражали БФЕ кузатилди.

Барча беморлар 2 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ- 80 та бемор, узоқ вақт давомида РА билан касалланган, 2- гуруҳ- 24 та бемордан иборат бўлиб биринчи бор РА аниқланган (дебют) беморлар. Бундан ташқари улар ГДС шикастланиши бор ва йўқлигига қараб икки гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳда (45 та) ГДС шикастланиши бўлган РА билан касалланган беморлар, 2-гуруҳда (24 та) ГДС шикастланиши бўлмаган РА беморларга бўлинган. Гуруҳларни жинси, ёши, асосий касаллик бўйича шикоятлари, клиник хусусиятлари билан солиштириш мумкин. Барча кузатувдагилар бўлимга келганда ва

даволаш давомида клиник – лаборатор текширувлар, ЭФГДС, молекуляр генетик текширувлар (ошқозон шиллиқ қавати биоматериалларини *H.pylori* геном ДНК текширув усуллари), хелик тест (*H.pylori* аниқлаш учун) ўтказилди. Беморларнинг қонида НЯҚДВни фармакокинетик хусусиятларини диклофенак дори воситаси энтерал қабул қилгандан сўнг текширилди.

Барча беморлар касалликнинг фаоллиги даврида НЯҚДВ ва ГКС, базис яллиғланишга қарши дорилар (ЯҚБВ) (метотрексат 7.5 мг ҳафтада), иммуностимуляторлар, сўрдирувчи дори воситаларини қабул қилган.


Тадқиқот мобайнида оғир юрак ва қон томир касалликлари, ўткир яллиғланиш касалликлари, қандли диабет, РА бўғим - висцерал шакли, фаоллиги III даражали беморлар, антибактериал дори воситалари ва эубиотиклар қабул қилган беморлар киритилмади.

Тадқиқот давомида махсус тадқиқот усулларида ошқозон ва 12 бармоқ ичак ЭФГДС текшируви Olympus GIFE (Japan) d=0,9 cm ускунасида ўтказилди. ЭФГДС вақтида ошқозон ширасини шиллиқ қаватнинг биоптатларини ўрганиш учун асбобнинг ишчи канали орқали стерилланган тефлон катетери ёрдамида биоптат олувчи қисқичлари FB-25K билан биоптатлар олинди. Тадқиқот учун ошқозоннинг катта ва кичик эгрилигининг антрал бўлимидан ва ошқозон танасининг ўрта қисмининг олдинги ва орқа деворидан иккита биоптат олинди.


H.Pylori бактериясини аниқлаш учун 14-C изотопли нафас уреаз синамаси қўлланилди.

Молекуляр генетик тадқиқотни амалга оширишда *H. Pylori* ни *cagA*, *vacAm1*, *vacAs2*, *iceA1*, *iceA2* генларини аниқлаш учун бактериянинг геном ДНКси хизмат қилди. Барча генетик текшириш усуллари Ўзбекистон Республикаси Гематология илмий –амалий тиббиёт марказида амалга оширилди. Тадқиқотлар давомида РА беморларда яллиғланишга қарши нострероид дори воситали гастропатияда *H.Pylori* гени олигопраймерлар тизими ишини йўлга қўйиб муқобиллаштирилди. Бунинг учун ошқозон антрал қисми шиллиқ қаватидан олинган 2 та биоптат биоматериал бўлиб хизмат қилди. Молекуляр генетик текшириш усуллари бир неча босқичдан иборат бўлди, яъни: 1. *H. Pylori* генотиплари олигопраймерларининг ишини танлаш ва муқобиллаштириш. 2. Биологик материални йиғиш. 3. Биологик материалдан ДНК ни ажратиш. 4. Мутациялар полимераз занжирли реакция (ПЗР) усулида амплификация ўтказиш. 5. Электрофорез ўтказиш ва натижаларни кўриш. Молекуляр - генетик таҳлил асосида *H.Pylori*нинг турли хил генотипик шакллари детекция қилиш олипраймерлар муқобиллаштирилиши асосида нуклеотидлар праймерлари орқали амалга оширилди. Мутациялар ПЗР усули орқали аниқланиб, унда генлар праймерлари ишлатилиши ёрдамида амалга оширилди. Барча генлар праймерлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Илғор технологиялар марказининг биотехнология лабораторияси томонидан тақдим этилди.

1(А) расмда ген *cagA* аниқланиб, 2, 7, 9, 13 намуналарда кўринган, 14 намунада - молекуляр оғирлик кўрсатилган. 1(Б) расмда *Ice2* гени 1, 5, 6, 9, 10 намунада ва 12 намунада - молекуляр оғирлик кўрсатилган.



Расм 1А. *H. Pylori* ни *cagA* гени электрофореграммада детекцияланган.



Расм 1Б. *H. Pylori* ни *Ice2* гени электрофореграммада детекцияланган.

Деклофенак фармакинетикаси Масс-спектрометрда уланган юқори самарадор суюқлик хроматографиясида (ЮССХ-МС) қон плазмасидаги дори воситаси миқдорини аниқлаш учун тезкор, сезгир ва ўзига хос услубдан фойдаланилди. ЮССХ-МС усули учун миқдорий жиҳатдан аниқлаш 0,1-1000 мкг/мл концентрация оралиғида ўтказилди. Кунлик ва кунора нисбий оғиш стандарти мос равишда 4,39% ҳамда 4,62% ни ташкил этди. Аниқланиш минимум концентрацияси 0,1 мкг/мл эканлиги тажрибалар давомида тасдиқланди. Яратилган усул беморлар қон плазмасида диклофенак миқдорини аниқлаш учун муваффақиятли равишда қўлланилди.

Кузатув даври тугаганидан сўнг тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2010) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ($M \pm m$) ҳисобланилди. Ўртача арифметик, ўртача стандарт хатолар ҳисобланди, гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончлилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Гуруҳларда сифат белгиларини ўчраш сонини фарқлаш Хи квадрат мезонлари орқали амалга оширилди. Номзод генларни касаллик юзага келишидаги иштирокини баҳолашда 95% ли ишонч интервали орқали имкониятлар нисбати ҳамда нисбий ҳавф аниқланди. Корреляцион таҳлил

Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончилилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди. Сифат белгилари гуруҳларда учраш сони бўйича гуруҳлараро тафовутни Хи квадрат мезонини қўллаш билан ҳисоблаш орқали баҳоланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончилилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг «**Ревматоид артритнинг ошқозон ичак йўли ҳолатини инобатга олган ҳолда клиник белгилари (ретроспектив таҳлилга мувофиқ)**» деб номланган учинчи бобида РА билан касалланган беморларда гастродуоденал соҳанинг зараланиш даражаси натижалари ретроспектив таҳлил материалларида келтирилган.

Ўтказилган ретроспектив таҳлил шуни кўрсатдики, 710 нафар беморнинг касаллик тарихлари ўрганилганда, РА да гастродуоденал соҳанинг зарарланиши ҳар бир учинчи беморда учрайди. Касалликнинг бўғим-висцерал шаклида ГДСда зараланиш РА бўғим шаклига нисбатан, нисбати 16.7% юқори бўлди. Бунда, бўғим ва бўғим-вицерал шаклдаги РА орасидаги нисбат, ГДС зарарланиши йўқ бўлган гуруҳда 3.5:1.0 нисбатни ташкил этди. ГДС да зарарланиши бор бўлган гуруҳ беморларда эса 1.6:1.0 нисбатга тенг бўлди. Ретроспектив таҳлил ёрдамида аниқланган бу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, РАда ГДС зарарланиши бириктирувчи тўқима стромасини бирламчи шикастланиши билан боғлиқ.

Юқоридаги тахминни тасдиқлаш учун, РА кечишни оғирлик даражаси ва бўғим функционал етишмаслигини ГДС зарарланиши бор ёки йўқлигига қараб таҳлил ўтказилди. РА кечишини оғирлик даражаси, бўғим функционал етишмаслиги, ёшга боғлиқлиги ва ГДС шикастланиши орасидаги ўзаро боғлиқлик бизнинг таҳлилларда аниқланмади.

Ретроспектив таҳлилларда РА ни даволашда қўлланилган дори воситалари таҳлили ҳам ўтказилди. Асосий гуруҳ дори воситаси сифатида ЯҚНДВ, ГКСлар ва ЯҚБВ ишлатилиши аниқланди. РА фармакотерапияси таркибида энг кўп ишлатиладиган дори гуруҳи ЯҚНДВ эканлиги аниқланди. Уларнинг ГДС зараланиши бор ва зарарланиши йўқ беморлар гуруҳларидаги нисбат 41% ва 39.3% га тенг. Бунда дори востасини юбориш йўллари инъекция ва per os тури бўлиб, уларнинг нисбати 1.4:1.0 ва 1.3:1.0 га тенг бўлди.

Дори воситаларини ишлатилиши бўйича ГКС лар 2- ўринни эгаллади. Фармакотерапия таҳлилида ГДС зарарланиши бўлмаган беморлар гуруҳида уларни ишлатилиши 28.1% ни, бўлган беморлар гуруҳида эса 33.3% ни ташкил этди. ГКС юборилиш йўлига қараб инъекция ва per os турига нисбати ГДС зарарланиши мавжуд ва йўқ гуруҳларда 2.2:1.0 ва 2.3:1.0 га тенг бўлди. Демак, иккала гуруҳларда ҳам фармакотерапия доираси бир хил бўлиб, ЯҚНДВ ва ГКС лар бир хил нисбатда қўлланилиши аниқланди.

ГДС шикастланиши йўқ бўлган беморлар гуруҳида базис дори воситаларини ишлатилиши кўрсаткичи 10.5% ташкил этади, у аниқланган гуруҳларида эса фақат 1.1% ни ташкил этди. ГДС химояси учун ишлатиладиган дори воситалари кам фоизларга эга бўлиб ГДС зарарланиши

йўқ беморлар фармакотерапиясида 22.1% ни, у бўлган РА беморларда эса 24.6% ни ташкил этди.

Ретроспектив текширишда 710 та бемордан 220 беморларгина эндоскопик теширувдан ўтказилган ва бу 35.2 % ни ташкил этади. Улардан— 47 та беморда (21,6%) гастродуоденит, 12 та беморда (5,61%) гастрит (атрофик ва ноатрофик), 40 та (18,2%) беморда гастрит ошқозон яра касаллиги билан қўшилиб келган, 38 та (17,2%) беморда ошқозонда эрозия дуоденит билан, 33 та (15%) эрозив эзофагит гастродуоденит билан, 16 та (7,2%) ошқозон яра касаллиги, 29 та (13%) беморда 12 бармоқ ичак яра касаллиги, 5 та (2,2%) беморда дифарагма қизилўнгач тешигининг аксиал чурраси рефлюкс эзофагит (РЭ) билан келиши аниқланган. Шунинг яна таъкидлаб ўтиш керакки 74, 19 % беморларда ГДС патологияси қўшилиб келган (1- жадвал).

1-жадвал

Ревматоид артритли беморлар ретроспектив таҳлилида эзофагогастродуоденоскопияда гастродуоденал соҳа патологиясининг учраш кўрсаткичлари

Гастропатия турлари	Учраш сони	%
Гастродуоденит	47	21,6
Гастрит+12 бармоқ ичак ва ошқозон яра касаллиги	40	18,2
Гастрит	12	5,61
Ошқозон эрозияси+ гастродуоденит	38	17,2
Эрозив эзофагит +гастродуоденит	33	15
дифарагма қизилўнгач тешигининг аксиал чурраси + рефлюкс эзофагит	5	2.2
12 бармоқ ичак яраси	29	13
Ошқозон яраси	16	7,2
Қўшилиб келган патологиялар	163	74,2
Патологиясиз	-	-

Ретроспектив таҳлил натижаларига кўра, РА беморларда гастрогастродуоденал соҳа патологияси ҳар бир учинчи беморда учраши ва гастродуоденал соҳанинг шикастланиши асосий сабаблари касалликни узоқ давом этиши, ЯҚНДВ ва ГКС ларни комбинирланган қўлланилиши ҳамда, висцеритлар ҳисобидан келиб чиқиши аниқланди.

Ретроспектив таҳлил маълумотларига асосланиб, РА да ГДС зарарланишларини ҳар томонлама баҳолашга эга бўлмаганимиз учун, шу йўналишда проспектив изланишлар ва тадқиқотлар ўтказишга қизиқиш уйғонди.

Диссертациянинг «Ревматоид артрит беморларда проспектив текширувлар асосида гастродуоденал соҳанинг ҳолати» деб номланган тўртинчи бобида РА билан касалланган беморларда ГДС шикастланиш даражаси натижалари проспектив таҳлил материалларида келтирилган.

Проспектив текшириш давомида ТМА кўп тармоқли клиникаси ревматология бўлимида даволанаётган 104 нафар РА беморлар текширувдан ўтказилди. Улар икки гуруҳга, яъни: 1-гуруҳ 80 та бемор узок вақт давомида, яъни: 1 йилдан 5 йилгача, 5 йилдан 10 йилгача ва 10 йилдан кўп РА билан касалланган беморлар; 2- гуруҳ 24 та бемордан иборат бўлиб биринчи бор РА аниқланган (дебют) беморлардан ташкил топди. 1- гуруҳ беморлар 52 та (64,4%) аёллар (20 ёшдан 46 ёшгача) ва 28 та (35.6%) эркеклар (28 ёшдан 53 ёшгача) дан иборат бўлди. 2- гуруҳ 24 та бемор, улардан: 19 та (79,8%) аёллар (18 ёшдан 36 ёшгача) ва 5 та (20,2%) эркеклар (20 ёшдан 32 ёшгача) ташкил топди. РА фаоллигига кўра, 34 та (33%) бемор I даража ва 70 та бемор (67 %) II даражани ташкил қилди.

Барча беморларга ГДС зарарланишини ташхислаш мақсадида ЭФГДС, Н.Pylori бактериясини аниқлаш учун нафас уреаз синамеси ўтказилди.

Проспектив текширувлар давомида, 1- гуруҳдаги беморлар анамнестик маълумотлари асосида 9 та беморда 12 бармоқ ичак яра касаллиги, 58 та беморда гастрит бўлганлиги аниқланди. Сўраб суриштириш давомида 62% беморларда меъда ичак йўли томонидан шикоятлар бўлганлиги аниқланди.

Ўтказилган эндоскопик текширувларда қуйидагилар аниқланди: 1- гуруҳда: гастрит (атрофик ва ноатрофик) 16 та беморда (20,1%), гастродуоденит 7 та (9,8%), эрозив гастродуоденит рефлюкс эзофагит билан 12 та (14,9%), эрозив эзофагит гастродуоденит билан 8 та (10,3%), рефлюкс эзофагит 3 та (4,6%), ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касаллиги ўткир даври эрозив эзофагит билан 9 та (10,8%), дуодено-гастрал сафро рефлюкси (ДГРЖ) 35 та (44.3%), қушилиб келган патологиялар 32 та (40%), патологиясиз 19 та (24,3%) беморларда қайд этилди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, юқоридаги текширилган беморлардан яра касалликлари ташхиси қўйилган беморларда, эпигастрал соҳа ва 12 бармоқ ичак проекциясида пальпацияда оғриқ кузатилган бўлсада, меъда ичак йўли томонидан шикоятлари фақатгина эпигастрал соҳада оғирлик ҳисси борлиги билан чегараланган.

2-жадвал

Узок вақт давомида ревматоид артрит билан касалланган беморларни эзофагогастродуоденоскопияда гастродуоденал соҳасининг ҳолати.

Гастропатия турлари	Учраш сони	%
Гастродуоденит	7	9,8
Гастрит+12 бармоқ ичак ва ошқозон яра касаллиги	9	10,8
Гастрит	16	20,1
Ошқозон эрозияси + гастродуоденит + РЭ	12	14,9
Эрозив эзофагит+ гастродуоденит	8	10,3
Рефлюкс эзофагит	3	4,6
12 бармоқ ичак яраси	4	5,2
ДГРЖ	35	44,3
Қўшилиб келган патологиялар	32	40
Патологиясиз	19	24,3

Дебют гурухдаги беморлар сўраб суриштирилганда, 24 тасидан 14 тасини (58.3 %) анамнезида меъда ичак йўли касалликлари бўлганлиги аниқланди. Беморларни шикоятлари таҳлил қилинганда уларни 70% меъда ичак йўли томонидан шикоятлар билдирдилар. Ўтказилган эндоскопик текширувлар қуйидаги натижаларни берди: эндоскопик ижобий ҳолат 10 та (42,8 %) беморларда кузатилди, жумладан, 4 тасида (15,4%) гастрит, 3 та (10,7%) рефлюкс эзофагит гастродуоденит билан, 3 та (10,7%) эрозив гастрит дуодено-гастрал сафро рефлюкси (ДГРЖ) билан, 2 та (6%) беморда 12 бармоқ ичак пиезчасида ярадан кейинги чандиқ аниқланди. Умуман 14 та (57,2%) беморларда гастродуоденал соҳада ўзгаришлар аниқланмади (3-жадвал).

3-жадвал

Ревматоид артритли дебют беморларда эзофагогастродуоденоскопияда гастродуоденал соҳасининг ҳолати.


Гастропатия турлари	Учраш сони	%
Гастродуоденит	-	-
Гастрит+12 бармоқ ичак ва ошқозон яра касаллиги	-	-
Гастрит	4	15,4
Эрозив гастродуоденит	3	10,7
Рефлюкс эзофагит + гастродуоденит	3	10,7
12 бармоқ ичак яра касаллиги	2	6
Ошқозон яра касаллиги	-	-
Қўшилиб келган патологиялар	5	21,4
ДГРЖ	10	42
Патологиясиз	14	57,2

Шундай калиб проспектив текширувлар асосида РА дебют беморларда меъда–ичак йўлидаги ўзгаришлар субъектив клиник белгилар эндоскопик белгилардан устунлиги ва ЯҚНДВни доимий қабул қилувчи беморларда буни акси, яъни, эндоскопик белгилар субъектив клиник белгилардан устунлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**H.pylori** штаммларини яллиғланишга қарши ностероид дори восита билан ассоцирланган гастропатия патогенезидаги роли» деб номланган бешинчи бобида РА билан касалланган беморларда гастродуоденал соҳанинг шикастланишида H.Pylori ни учраш сони, уларнинг касаллик активлигига қараб уругланиш даражаси, H.Pylori генотипларини учраш сони, генлар комбинацияси, гастрит ва яра касалликлари ҳамда эрозив гастритда H.Pylori генотипларини учраш даражалари, диклофенакни фармакокинетикасини хеликобактериози бор ва H.Pylori йўқ бўлган РА беморларда таҳлил материаллари келтирилган.


Проспектив тадқиқотларда барча беморларга H.Pylori бактериясини аниқлаш учун нафас уреаз синамаси C -14 изотоп усули қўлланди.

Беморларнинг барчасида синамалар ўтказилганда 104 бемордан 88 тасида (85%) *H.Pylori* ижобий натижалар (2-расм) олинди.



2- расм. Ревматоид артрит мавжуд беморларда *H.Pylori* учраш сони.

РА беморларда *H.Pylori* касаллик фаоллигига кўра аниқланганда: РА I даражали фаолликда 27 та (78,3%), II даражали фаолликда – 62 та (91,9%) беморларда *H.Pylori* бактерияси аниқланди. Натижалар 3- расмда келтирилган. *H.Pylori* уруғланиш даражаси ўрганилаганда 15 та (15%) беморда уруғланиш аниқланмади, енгил уруғланиш 26 та (25%) беморда, ўртача ва юқори даражада уруғланиш 62 та (60%) беморларда аниқланди.



3- расм. Ревматоид артрит фаоллигига кўра *H.Pylori* нинг учраш сони.

Шундай қилиб, РА беморларнинг ошқозон биотопида *H.Pylori* аниқланиш даражаси юқори эканлиги аниқланди ва касаллик фаоллиги ошган сари *H.Pylori* уруғланиш даражаси ҳам ошиши аниқланди.

Қатор адабаётларда ревматологик беморларда гастродуоденал соҳада шикастланиш омилларидан бири *H.Pylori* ни ЯҚНДВ билан ассоцирланган

гастропатияни келиб чиқишидаги аҳамияти ҳозирга қадар турли мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Охирги йиллардаги адабиётларда РА беморлар ошқозони шиллиқ қаватида *H.Pylori* учрамаган ҳолларда ҳам турли даражадаги гастропатиялар кузатилиши ва ошқозон-ичакдан қон кетишларга сабаб бўлиши мумкинлиги каби фикрлар келтирилган. *H.Pylori* нинг 30 дан ортик генотиплари аниқланган бўлиб, *cagA*, *acAm1*, *vacAm2*, *vacAs1*, *vacAs1a*, *vacAs1b*, *vacAs1c*, *vacAs2*, *babA*, *iceA1*, *iceA2* и *dupA* генлари МИЙ да ульцироген таъсир кўрсатиши ўрганилган. Биз илмий ишимизда *H.pylo*ри генларини РА беморларда учраши ва ГДС даги шикастланишларда *H.pylo*ри генларини учраш сони ва комбинацияларини ўрганишга қизиқдик.

